

Сайтимизга ёзувчи Ахмад Мухаммад Турсун ўзининг аввал “Шарк юлдузи” журналида, сўнгра Москва ва Тошкент нашриётларида нашр этилган “Чорсудаги чойхона”, “Гулшан” (“Алданган аёлнинг алами”) киссалари, “Энг аччиқ неъмат” туркумидаги фалсафий ривоятлари ва бир катор Ҳикояларини такдим килди. Уларда хаётда адашган кишиларнинг афсус-надомати, гуноҳ ва ахлоқсизликларнинг аянчли оқибати, юксак фазилат ва хулқ эгаларининг гўзал ибрати хақида кизикарли хикоя килинади.



ЧОРСУДАГИ ЧОЙХОНА (1-қисм)

Шундай килиб, яна учта журналдан хикояларим “эсон-омон” кайтиб келди. Каппайган конвертларни очиб кўрдиму тарвузим кўлтигимдан тушиб, оёк-кўлим шалвираб колди.

Жавобларнинг бирида силликина килиб: "каламингиз анча чархланган кўринади, ўз устингизда каттиқрок ишласангиз, сиздан ёзувчи чиқиши мумкин" дейилган бўлса ҳам, дилим ёришмади. Бунака жавобларнинг мазмунига тушуниб колганман. "Хикоянг ярамайди" деб дангал ёзишмайдию, тасалли бериб, кўнгил кўтариб кўйишади. Мухлисларга ёзилган хатларни ўзим ҳам кўп кўрганман. Чунки шаҳар газетасида мусаххих бўлиб ишлайман-да.

Иккинчи жавоб бошқачарок экан. "Асарларингиз хали машк даражасида, катта ёзувчиларни кўпроқ ўқинг", депти. Нима мен кичкина ёзувчиларни ўқибман-ми? Кейинги уч йил ичида бирорта ҳам юпка муковали китобни кўлга олганим йўқ. Нукул зарҳал жилдли ёстикдай-ёстикдайларини ўқиб туширганман-ку.

Охирги конверт бутунлай хафсаламни пир қилди. "Хурматли Калонов" деб бошланганидан талтайиб турган эдим, хатнинг охирига келиб кўлга тушган паттасиз йўловчидай мулзам бўлдим. Кахрамонларим сохта эмиш, хаётни билмас эмишман, одамлар орасида кўп бўлишим керак эмиш.

Ана холос! Демак, мендан ёзувчи чикмас экан-да! Эсиз, шунча меҳнат, уйқусиз тунлар, исроф бўлган коғозлар, ширин хаёл суришлар... Хаммаси кун-фаякун! Яна ўша тахририятнинг гала-говур хаёти, турфа ранг сиёҳда "гул солинган" саҳифалар, босмахона ишчиларининг таъна-дашномлари... Бош қотиб, кўз тиниб ўтириб колдим.

Тўхтанг, мулла Нусрат, бояги хатда "хаётни ўрган, одамлар ичида бўл" дептими? Қалла тоққа уланган музхонадай бирданига ишлаб кетди. Бордию вақтинча гавжумрок жойдан бирор иш топсам-чи? Таътилим ҳам келиб колган. Шартта оламан-у, бир ойга қасбимни ўзгартираман.

Ўз фикримдан ўзим шошиб колдим. Одамлар кўп тўпланадиган жойларни бирма-бир эслай бошладим. Бозорда паттачилик килсам-чи? Йўк, тўгри келмас экан. У ерда ҳамма шошгани-шошган. "Тўхтанг, гапингизни ёзиб олай!" деб оркасидан кувиб юраманми? Хаммомга ишга кирсам ҳам бўладию, сал нокулайрок-да. Иннайкейин, ялангоч одамдан маънилирок гап чикармикин? Бошидан шартта-шартта сув куйиб, эшикка йўргалаб колади. Завод-фабрика яна бўлмайди. Бир ой ишлашимга битта ўринни банд килиб, кўнимсизликни кўпайтириб нима киламан.

Топдим! Чойхонага ишга кираман. Одамлар билан доимо тўла бўлади. Кандкогозга ўралган олди-кочди гаплар ўша ерда. Мусаххих – чойхоначи! Нима бўпти? Ёзувчи, журналистлар хаётни ўрганиш учун канака касбларни килиб кўришмаяпти? Такси хайдашяпти, пахта теришяпти, сотувчилик килишяпти, дастгоҳда ишлашяпти. Хатто чет элда Вальраф деганлари номини ўзгартириб, хожатхона тозаловчи бўлиб ҳам ишлапти. Кейин чеккан азоблари хакида китоб ҳам ёзган эмиш.

Бўлди, энг маъкули – чойхоначилик. Юмуши ҳам кўп эмас – кун бўйи эшитган-терган гапларимни кечкурун уйда когозга туширавераман. Кизик-кизик воқеаларни эшитиб колсам, зўр хикоялар ҳам тугилиб колар? Ана ўшанда кўрасизлар, аканг карагайнинг канака теша тегмаган, соколи олинмаган гапларни топишини! Балки бирорта танкидчи "Нусрат Калоннинг чойхонадаги фаолияти" деган мавзуда илмий иш ҳам килар? Кейинчалик хотираларимда "ёшлигимда хаётни ўрганиш учун чойхонада ҳам ишлаб кўрганман" деб кистириб ўтсам бўлади.

Хуллас, катъий қарорга келдим. Энди энг яхши чойхонани топиш керак. Махалламизда ҳам шунакаси бор. Аммо чойхоначи таниб қолиши мумкин. Тарозига солиб кўриб, шаҳарнинг қок киндигидаги "Чорсу" чойхонасини маъкул кўрдим.

Унинг "шефи" – Иброҳим полвон деганларига учрадиму, сал бўлмаса режамдан воз кечворай дедим.

– Хўш, нима гап? – деди у шундок ҳам кийик кўзларини баттар қисиб, менга бошдан-оёқ шубхали разм солиб чикаркан.

– Чойхонангизга ишга кирмокчийдим, – дедим ваҷохатидан бўшашиб.

– Аввал каерда ишлагандинг?

– Хеч каерда, якинда ўнинчини тугатдим, – дедим жиндай ёлгонлаб.

– Ким жўнатди ўзи бу ерга? – деди у мўйловининг учини бураб ўйнаркан.

– Ўзим келдим. Ёшлигимда чойхонада ишлашни орзу килардим.

– Хмм. Орзу килганмишлар. Нима, чойхона базамидики, бу ерда ишлашни орзу киласан, хумпар?

– Энди, одам кизикиб колса, кийин экан, хатто тушларимда хам чой дамлаб юраман...

– Хей, сен бола, мени лакиллатаман деб овора бўлма. Ирвадоннинг гўзасига ўхшаб тиржаясан, бир гапинг бор-ов. Тўгрисини гапир, бўлмаса башарангни анжирга ўхшатиб кўяман.

– Ўлай агар, шу ерда ишламочки эдим... – дедиму ишнинг бунака чаппа кетишидан юрагим кисилиб, секин кочиб колишни кўнглимга тугиб кўйдим.

– Шунака де-е, – деди у чўзиб. – Лекин чойхонада сенбоп бўш штат йўк. Жа ичинг тўкилиб кетаётган бўлса, уч-тўрт ой Мамарайимга карашиб, чойнак-пиёла йигиштириб турарсан. Мана, ёз келяпти. Агар ишлар жўнашиб кетса, бирор иложини топармиз.

У такир бошини силаб, бир пас ўйланиб тургач, кўшиб кўйди:

– Аммо приказдан ўтказмайман. Стаж-птаж деган гап йўқ.

– Ойлик-чи? Ойлик нима бўлади? – хар эхтимолга карши сўраб кўйдим.

– Уйланганмисан? – деб сўради Полвон саволимни англамагандай.

Бошимни чайкаганимни кўриб, яна сўради: – Ота-она хаётми?

– Шир етимман, – дедим ёлгонлаб. Чунки уларни таниб колмасин, дедим. Шахар бир тишламгина, роса суриштирсанг, биринчи марта кўраётган одаминг билан якин кариндош чикиб коласан.

Полвон рахми келгандай жимиб колди. Кейин яна синчковлик билан кўзларимга тикилиб гапирди:

– Майли, ойлик бир гап бўлар. Оч колмайсан. Яхши ишласанг, хафтасига чўзиб тураман. Агар шилт-пилт килсанг, унда ўзингдан кўр. Нак думбангда туфлимнинг изи колади.

Унинг кайикдай туфлисига ўгринча бир караб олдим, "розиман" дегандай бош силкитдим.

– Кейин яна бир гап бор, – деди у теша сопидай бармогини бурнимга такаб. – Агар солиқдан келиб текшириб колса, секин "гум" бўласан. Токи буйруксиз ишлаётганингни билиб колишмасин. Бошкаларга мени "тогам" деяверасан, укдингми, хумпар?!

– Укканда кандок!

Ана шу кўнгилсиз имтихондан эсон-омон ўтгач, чойхонада иш бошладим. Тонг отар-отмас самоварга ўт ёкаман. Чойнак-пиёлаларни бир кур ювиб чикаман. Аввал бу юмушлар Мамарайим аканинг зиммасида экан. Лекин кизганчиклик килмасдан, “олакол” деб, хаммасини каминага ошириб юборди.

Бирин-кетин узун-киска бўлиб чойхўрлар келишади. Ёши улугларига чой олиб бораман. Бўшаган чойнак-пиёлаларни йигиштириб келаман. Биринчи кунлари бўш чойнак сўрагани хижолат бўлиб юрдим, кейин одам ўрганиб кетаркан. Хозир шундок хавосини олганманки, бирортаси уёк-буёкка анграйиб турганда, бўшамаган чойнагини хам кўтариб кетаман. Бошка вақт хали унинг гапига, хали бунисининг валаклашига кулок солиб, кунни кеч киламан. Кечаги якшанба "тога"дан куртдаккина килиб йигирма манатни санаб олдим. Хисоблаб кўрсам, ой охирида пулларим мусаххихнинг маошига етиб коларкан. Хам саёхат, хам тижорат деганларидай, хозирча ишлар ёмон эмас.

Энди чойхона ва унинг мутасаддилари билан бир кур таништириб ўтсам. Чойхона деганлари бўйи эллик, эни йигирма кадам келадиган ойнаванд, кўркам зал. Унинг икки четида ердан тизза бўйи кўтариб килинган тахта супа. Хар жой, хар жойга пастак хонтахталар кўйилган. Атрофида шойи ва бекасам кўрпачалар.

Ўртадаги бўш йўлакда бир катор стол. Аммо курсиларнинг юмшок ўриндиклари титилиб кетган. Бу жойлар, Мамарайим аканинг айтишича, шимининг дазмоли бузилишидан ва хотинларининг чўччайишидан кўркадиган чойхўрлар учун экан.

Столларга хам, хонтахталарга хам чой куйкумини тўкадиган елим идишлар, гулдонлар кўйилган. Мамарайим ака хар куни эринмай гулдонларга бир шохдан райхон солиб чиқади. Факат кашандалар гашимга тегишади, папиросни чекиб бўлиб, колдигини куйкум ичига ташлашгани ёмон.

Чойхона деворларига кайсидир хаваскор рассом гаройиб манзараларни чизиб ташлаган. Бирида денгиз сохили, у ерда ок кайинлар соясида кийиклар дам олиб ётибди, бошкасида тог кўриниб турибди. Этаги пахтазор, ўртада икки туп хурмо. Суратлар оралигидаги бўш жойларга ичкиликнинг жигарга зарари, ёнгин чикмаслиги учун кўрпада чекмаслик лозимлиги, курилишда техника хавфсизлигига риоя килиш кераклиги хакидаги плакатлар илинган. Бурчакда, кизил мато ёпилган стол устида тез-тез бузилиб

турадиган рангли телевизор, ёнида иккита шахмат тахтаси, газета тахламлари. Бир неча жойга тўрковокда бедана, сим кафасчаларда сайроки кушлар осиб кўйилган. Уларни Тога ҳеч кимга ишонмайди, дон-сувидан ўзи хабар олиб туради. Эшикнинг тепасидаги радиокарнай эртадан-кечгача тинмайди.

Чап томондаги супага гилам тўшалган, кўрпачаларнинг янгиси солинган. Тога бу томонни кексалар учун ажратиб кўйган. Менга ҳам чоллар келиши билан махтал килмай, дарров чой, патнисчада нон, канд-курс олиб боришни тайинлаб туради.

Чойхонада яна битта "имтиёзли" жой бор. Тўрдаги хонтахта устига гулли дастурхон солинган. Кундузлари бу ерга ё битта-яримта узокрок шаҳардан келган меҳмон ёки Тоганинг ошналари ўтказилади. Кечкурун эса бу жойга Ҳаким хофиз эгалик килади.

Биринчи кунёк хофизга беш кетдим. Ана овозу мана овоз. Агар отарчиларга ўхшаб, микрофон ушласа, пардасини тешвораркан, деб ўйладим. Танбурни ҳам сайратиб юбораркан. Гамгин ашулаларни унча ёктирмасдим, хофизнинг хонишини эшитгач, бошқа чойхўрларга ўхшаб ўрнимдан кимирлай олмай колдим.

Энг кизиги бу ҳам эмас. Отарчилар битта тўйга беш юздан камига боришмайди, яна канча кистир-кистирлар. Хофиз бўлса, баъзан икки соатгача ашула айтиб, бир тийин ҳам олмас экан. Мамарайим аканинг айтишича, унинг отаси ҳам катта хофиз ўтган экан. Ота касбига меҳру ихлоси боис ишдан келаркану танбурини кўлтиклаб чойхонага чиқаркан. Бир гал Тога эриб кетиб, бош-оёк кийим килиб берган экан.

Кун исий бошлаганидан ёзлик айвончага сўрилар кўйдик, аммо ёгингарчилик бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, палос солмадик, шунинг учун хозирча ҳамма ичкарида. Чойхона мудир Иброҳим полвон паст бўйли, гўлабир, коракос, кисиккўз, мўйлови ярашган одам. Мудирнинг вазифаси нималардан иборатлигини яхши тушунмадим. Пўрим кийиниб, шу ерда ўралашиб юради. Хушига тутиб колса, битта-яримта чойхўрнинг ёнига ўтириб гап сотади. Баъзан "идорага бориб келай" деб гойиб бўлиб қолади. Аммо хар куни тушумни йигиштириб, эринмай санаб, ёнига солиб олишни унутмайди. Каерда бўлса ҳам – тўйга кетганми, маъракагами, чойхонанинг ёпилишига етиб келади.

Хозирча мен билан муомаласи тузук. Гохи-гохида елкамга шапатилаб, "чойхоначиликни

орзу килганмишлар, ха шалпар пишик, содда мугомбир", деб кўяди. Мен хам хурматини жойига кўйиб, икки гапнинг бирида "тогажон"лаб тураман.

Тога хакикатдан хам зўр полвон ўтган экан. Кураги сира ерга тегмаган. Фаргона, Хўжанд, Тошкентдаги полвонларни хам йикитган экан. Кейин бирданига курашдан кўнгли совиб, шу чойхонани олган экан. Сабабини сўраб колганларга "э, шунга хам харом аралашди, номардликка чидай олмадим", депти.

Бир куни кайфияти чоғрок пайтини пойлаб бўлган воқеани сўраб кўрдим. Айтишича, роса омади келиб, довруги хаммаёкка кетган йиллари уни Ўшдаги курашга таклиф килишибди. У бунака жойдан колмас экан. Борибди. Катта сайил бўлаётган экан. У белбоги орасига кўлини тикиб ўртага чикибди. Ракиби ўшлик Маткарим полвон экан. Бел олиб кетишибди. Икковининг кучи тенг эканми, "хайё-хайё", "ха, бўш келма", "кани, кўтар" деган кийкириклар остида узок айланишибди. Охири ракиби чарчаб, бир оз бўшашибди. Шунда тога уни энди кўтариб, ерга урмоқчи экан, у чалиб юборибди. Мувозанатини йўкотган Тога ерга гурсиллаб йикилибди.

Ўртада ётганмиш. Алам килганидан турмабди хам. Хамма ёкни кийкирик босибди. "Номардлик килди", "чалиб йикитди", "буниси хисобмас", деган овозлар эшитилаётганмиш. Тога бош кўтаролмай даврадан чикиб кетибди. Хакамлар унинг ракибини голиб деб эълон килишибди. Роса тўполон бўлибди, курашдан хам файз кочибди.

Кейин маълум бўлишича, Маткарим полвон катталардан бирининг укаси экан. Ўша одам хам сайилда катнашаётган экан. Хакамларга битта хисори кўчкор ваъда килиниб, голиб олдиндан белгилаб кўйилган экан. Хаётидаги энг огир хаксизликка чидай олмаган Тога шу-шу полвонлик уёқда турсин, кураш бўлаётган жойдан хам етти чакирим нари юрадиган бўлиб кетибди.

Мамарайим аканинг каеридир Полвонга ўхшайди. Аммо у семизрок, бўйни йўгон, саргишдан келган, ўрдакка ўхшаб лапанглаб юради. Бошида ранги ўчган чуст дўппи, эгнида халат. Кўпинча турган жойида хам кўзи кетиб колади. Бўш колди дегунча кавшанади. Ўлгудай бегам. Тога икки марта тутаб, уч бор ёнганида хам "ха, жигар, шунакасиям бўлиб туради-да" деб кўяди. Хатто Полвоннинг болохонадор сўкишларига хам ўрганиб колганми, мик этмайди.

Айтишларича, хотини икки боласи билан билан ажрашиб кетган экан. Сабабини сўрасам, "ха, энди, ношукур банда экан, бор-йўкка чидамади" деди. Туриб-туриб "во, дариг, ўзинг йўлдан адаштира, инсоф бер шу хотинларгаям" дейишидан "роса тушган экан-да" деб кўяман. Ўшандан бери кайта уйланмапти. Аммо топган-тутганидан уйли-жойли болаларига хам илиниб туради. Баъзан кечкурунлари, одам оёклаганда сув иситиб, кирларини ювади. Шунда огзидан севган маколи тушмайди:

Козон олсанг, кокиб ол,

Хотин олсанг, бокиб ол...

Хиргойисини тугатиб, секингина хўрсинади, "уф" тортади, кейин сергакланиб "берган кунларингга шукр, Парвардигор", дейди.

(Давоми бор...)

Ахмад МУХАММАД ТУРСУН